

HUQUQ

37

(404)

YURIDIK GAZETA


Sentabr

D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14✓	21	28	
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	27	24	
Y.	4	11	18	25	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqarib boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидagi шон-шухратиш юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг фаолияти барчамизга ўрнакдир. Уларнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Суратда: Ўзбекистон Қазрамони, Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи 1-технологик цехининг механиги Ботир Темиров.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

Моҳият

Бори элга яхшилик қилгилки,
мундин яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилик.
БОБУР

АХБОРОТ

РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Жорий йилнинг 5-6 сентябр кунлари Бош прокуратуранинг тезкор-тергов гуруҳи Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича Олий Мажлисининг мустақил комиссиясига тергов ҳаракатлари натижалари тўғрисида ахборот тақдим этган эди. 7 сентябр кунин эса олиб борилаётган текшириш ишлари ҳамда Ўзбекистон ҳукумати Андижон шаҳри ва вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан қўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича дипломатик корпус вакилларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А.Набиев билан учрашди.

А.Набиев Олий Мажлисининг мустақил комиссияси ҳамда ишчи гуруҳ аъзоларига Андижон воқеаларини текшириш ишларининг бориши, шу пайтгача аниқланган далиллар, воқеалар ташкилотчилари ва уларнинг халқаро террорчилик гуруҳлари билан алоқалари тўғрисида сўзлаб берди.

Олий Мажлисининг мустақил комиссияси ҳамда ишчи гуруҳ аъзоларига содир этилган жиноятларда ўта фаол иштирок этган 15 нафар шахсга оид тергов материаллари яқин кунлар ичида Олий судга топширилганлиги ва тергов давомида аниқланган барча далиллар миллий қонунчилик доирасида қўриб чиқиши маълум қилинди.

А.Набиев ўтказилган текширув давомида Андижон шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистоннинг конституциявий тузумига қарши бузғунчи кучлар томонидан пухта режалаштирилгани ва ташкил этилгани аниқланганлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Олий Мажлисининг мустақил комиссияси ҳамда ишчи гуруҳи аъзолари эътиборига ҳам ташки, ҳам ички воқеалар ташкилотчиларининг тактикаси ва стратегияси, ноқонуний тузилмалар иштирокчиларининг сони, бошқа мамлакатлар билан алоқаси ҳамда жангарилар томонидан эгаллаб олинган ва чегарадош мамлакатлардан олиб ўтилган қурол-аслаҳалар сони тўғрисида батафсил ахборот ҳавола қилинди.

А.Набиев Олий Мажлисининг мустақил комиссияси ҳамда ишчи гуруҳи аъзоларига террорчилик хуружлари оқибатида ҳалок бўлган шахслар ва қўлга олинган жангарилар сони тўғрисида ҳам ахборот берди. Шу муносабат билан қатор хорижий ОАВлари вакиллари Ўзбекистонга қарши ахборот урушини бошлаб, тинч аҳоли орасида вазиятни кескинлаштириш, халқаро ҳамжамиятда гўёки, тинч намоийшчилар ўққа тутилгани ҳақидаги таассуротни шакллантириш мақсадида далиллар атайлаб бузиб қўрсатилгани таъкидланди.

Айни пайтда ушбу ОАВлари материалларида босқинчилик тўдасининг қурол-аслаҳаларни эгаллаши ва одамларни гаровга олиши, қамқонхонадан жиноятчиларни чиқариб юбориши, Андижон шаҳридаги маъмурий биноларга ҳужум қилиши билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги факт ва маълумотлар келтирилмаган.

А.Набиев барча тергов материаллари суд жарёни давомида ва у тугагандан сўнг эълон қилинишини маълум қилди.

Шу билан бирга, уршув иштирокчилари эътиборига Андижон воқеаларининг бевоқиф ташкилотчиларининг жиноятхорона ниятларини очиб берувчи видео ҳамда бошқа қўргазмалар материаллар ҳавола этилди.

Олий Мажлисининг мустақил комиссияси ҳамда хорижий дипломатлар саволларига ҳам батафсил жавоб қайтарилди.

АНЖУМАН

ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизими соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидандир. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида қонунийликни таъминлашга, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини янада мустаҳкамлашга, судларнинг мустақиллигини таъминлашга, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги, 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги» фармонлари мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишларнинг мантқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу муҳим ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, уларда белгиланган вазифаларнинг ихросини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Б.Жамолов, ички ишлар вазирини ўринбосари А.Шарофуддинов, адлия вазирининг биринчи ўринбосари И. Абдуллаев, Бош прокурор ўринбосари Б.Нуриҳамедов ва бошқалар юртимизда суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ қонуний чора-тадбирлар тадқиқийлик тамойили асосида, изчиллик билан амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Юртимизда ташаббус билан мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мураккаб янги концепцияси жорий этилди.

Юқорида эслатилган Фармонлар кенг жамоатчилик томонидан, жумладан, хорижда ҳам мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, яшаш ҳуқуқини, асосий жинсий таъқибдан ҳимояланиши, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги гўят муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши судларнинг ўрни ва аҳамиятини янада оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Zero, судларнинг жамиятдаги маъқени ошириш — демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардандир.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

МУКОФОТЛАНГАНЛАР HAQIDA HIKOYALAR

Эҳтиром

Отанинг йўқлигидан бу оила усти чим билан ёпилган ертўлада яшашар эди. Бундай қийинчиликлар Жиянбойни ёшига нисбатан барвақт ўлгайтириб қўйди. У 10-11 ёшларида жамоа ҳўжалигида катталар қатори меҳнат қилишга жазм этди. Баъзан бригадир унинг ёшлигини эътиборга олиб, қолқозчиларга қўйқайнатувчи қилиб тайинларди.

Совет даврида ёз келди дегунча самолётлар далаи дефляция қилишга тушарди. Ҳашоратларга қарши сепиллаган бутифоснинг хидига одам чидашни қийин бўлган. Самолётлар тўппа-тўғри далада ишлаётганлар устига учиб келишини қўрган киши кинолардаги фа-



Олис Кўнгиротнинг Охунбобоев номли овулида эндигина тетапога бўлган Жиянбой отасидан эрта жудо бўлди. Икки фарзандини Зубайда ая ёлғиз қамолга етказди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш йиллари эмасми, ўст-бошга ёлғичлик топсанг қоринга егулик топилайдиган замонлар эди. Яхшиямки, аянинг катта ўғли Хоразм мучал ёшига етиб, қўлидан иш келадиган бўлиб қолганди. Аянинг Хоразм заминида яшаб ўтган буюк сиймоларга эҳтиромни рамзи боласининг исмида мужассам бўлган. Хоразм ҳам уч яшар ўқасининг ҳеч нарсасига муҳтож бўлмай ўлғайишни истарди. Гоҳ Зубайда ая, гоҳ оғаси сўзлаб бериладиган ривоятлари Жиянбойнинг қатъиятли, тўғри сўз инсон бўлиб ўлғайишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

шист учувчиларини эсга оларди. Шийпонда қўйқайнатиб, бу муҳдиш манзарага шохид

бўлаётган 11 яшар Жиянбойнинг қалбига учувчиларнинг бу ҳаракатига нисбатан нафрат пайдо бўларди. У бора-бора тоқатини йўқотиб, яктагининг этагини тош ва кесакларга тўлдирганча наватдаги самолётнинг келишини пойлайдиган одат чиқарди. Самолёт насллагани заҳоти унга тош отиб чарчамасди. Бир кун дори сепувчилар исёнкор боланинг танобини тортиб қўймоқ-

чи бўлишди. Тепадан туриб унинг ёнидаги ботмондаги кесакка «ракет»да «ўт очилди». Кесак шу заҳоти қўйиб қорайганча парча-парча бўлиб кетди...

Умр-оқар дарё дейдилар. Ҳашпаш дегунча балогатга етиб қолган Жиянбой тенгдошлари қатори ҳарбий хизматга жўнади. Унинг иқтидори ва тўғрисиқлигини сезган офицерлар Жиянбойни аввал кичик сержант, сўнг сержант унвони билан сийлашди. Харбийдан у катта сержант унвони билан қайтди.

(Давоми 2-бетда).

СВОЖҚҚ ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Оққўрғон туманидаги «Лаззат» хўжалик ҳисобидидаги УОК раҳбари И.Абдужабборов корхонанинг 2 млн. 874.900 сўмлик боқиманда қарзларини яшириш мақсадида банкда иккиламчи ҳисоб-рақами очган, корхона балансида «Нуроний» чойхонасини 2,2 млн. сўмга сотиб, ушбу пуллари савдодан турган пуллар деб ҳужжатларни қалбакилаштириб, иккиламчи ҳисоб-рақамга топшириб, давлатга тўлашиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаган.

Тўртқўл туманидаги «Қудрат-шах» хусусий фирмаси раҳбари А.Матакубов 2004 йилнинг февралда «Савдогар-банк»нинг Тўртқўл бўлимидан олинган 23 млн. 715 минг сўмлик кредитни қайтармаган. Шунингдек, Тўртқўл туман «Ерларнинг мелератив ҳолатини яхшилаш» корхонаси бош ҳисобчиси Н.Аразмухаммедов фирмага оқонунини равишда қалбакилаштарганини расмийлаштириб берганини аниқланган.

Хоразм вилояти «Шовот Турон» МЧЖнинг солиқ раҳбари Ш.Маширипов, жамият раиси Д.Хамидов ва ҳисобчиси Ж.Одамовлар ўзаро тил бириктириб, Беларуснинг «Инженерцентр» корхонаси билан тузилган шартномага қалбаки маълумотларни киритишган.

Шунингдек, жамият мансабдорлари ушбу шартномага асосан олинган 60 млн. сўмлик какашон қайта сотиб, савдодан тушган 7 млн. 187 минг сўмни банкка топширишмаган. Бундан ташқари, солиқ инспекциясига ҳисобот топширмай, бюджетга 1 млн. 159 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашмаган.

Ҳамза тумани М.Риёзий кўчасида жойлашган омборхона ишчилари БАДА ишлаб чиқариладиган «Национал», Россиянинг «Расцвет» савдо белгиси остидаги 3,087 литрли темир банкаларга қўболоа усулда тайёрланган бўёқ куйиб, маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Текширувда бу ерда маҳсулот тайёрлашда қўлланганидан эритма, асбоб-ускуна ва ёрликлар борлиги маълум бўлди. Шунингдек, фуқаро М.Мўйдиновга тегишли 108 банка «Национал», 16 банка «Расцвет» лак бўёғи, 1 млн. 170 минг сўмлик 3 бочка алюмин пудраси, жами 2 млн. 385 минг сўмлик товар далилий ашё сифатида олинди.

Косон тумани Олатўн қишлоғида жойлашган «Олатўн» бозорида Ф.Саноев Ю.Омоновдан учта кўйини 210 дона 1000 сўмлик купорадаги қалбаки сўмга сотиб олган вақтида ушланди.

Унинг ёнида яна 143 дона 1000 сўмлик қалбаки пуллар борлиги аниқланди. Ф.Саноевнинг уйдаги тиниув ўтказилганда, «Самсунг» маркали компьютер, сканер ва рангли принтер далилий ашё сифатида олинди.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғалган.

(Давомий. Боши 1-бетда).

Йигирма ёшида Шуманай туманидаги «Киров» совхозида ҳайдовчилик қила бошлади. Синовчан ёшуллар аспасанг тузатиб ҳайда дея топширган шалок машинада ишчиларни тонгда далага элтиб, шомда овулга олиб келиб қўярди. Қорақалпоқ сулувлари шаддод эмасми, машина йўлда бузилиб тўхтаб қолса, ҳазил-хузул гаплар билан буйдоқ ҳайдовчининг жигига тегмоқчи бўлишарди. Охири бўлмади. Йигитнинг юзи қизаргунча ўлгани яхши дея Жиянбой совхоздаги МТП раҳбарининг олдида борди. «Менга янги эҳтиёт қисмлар бермасангиз бўлмайди. Бу шалок машина бир кун келиб умуман ўрмай қолиши мумкин!», — деди. Раҳбар эндигина бир йил ишлаган ҳайдовчига тикиларкан: «Сен ҳеч қачон одам бўлмайсан. Одам бўлганингда машинани эгиллаб ҳайдаган бўлардинг. Бўшанг-лигинг учун ҳеч нарсага эриша олмайсан», — деди. Жиянбойга аввал бу гаплар қаттиқ ботди. Зубайда ая ва оғаси Хоразмнинг оқ фотиҳасини олиб қайдасан ТошДУ дея пойтахтга йўл олди. Бир йил университетнинг тайёрлов бўлимида ўқиди. Сўнг ҳуқуқшунослик факультетига ўқига кирди. Энди у «Ҳеч қачон одам бўлмайсан!» дея дашном берган ёшулидан жуда миннатдор эди. 1973-78 йиллари университетда таҳсил олиш билан бирга Тошкентдаги полиграфия комбинатида харф теурвич бўлиб ишлади. Уша пайтлари Фафур Фулом номидида адабиёт ва санъат нашриётида тайёрланган китобларнинг ўқувчилар қўлига етиб боришда бугунги кунда Янгибозор тумани прокурори вазифасида ишлаётган Ж.Норимбетовнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган.

Таҳсилни тугатган Жиянбой аканинг қончилик соҳасидаги фаолияти бошланди. 1978 йилдан 1982 йилгача Қорақалпоғистон нон маҳсулотлари бошқармасида юрист, Ке-

Эҳтиром

гайли туман прокуратурасида иш ўрганувчи, прокурор ёрдамчиси бўлиб ишлади. 1982 йилда курсдошлари ичида биринчилардан бўлиб Кўнғирот тумани прокурори лавозимига тайинланди. Унинг таржимай ҳолига назар ташласак, Орол табиатини муҳофаза қилиш туманлараро прокурори, Нукус шаҳар прокурори, Қорақалпоғистон прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилганининг гувоҳи бўласиз.

— Прократура тизимидаги устозларим Асқар Мамбетназаров ва Абдулла Давлетовлардир, — дея фахр билан эслайди Жиянбой ака. — Асқар ака уруш қўрган, матонатли одам эди. Кегайли туман прокурори бўлиб йигирма йил меҳнат қилган. Ул зот қорақалпоқ миллий қахрамони Эр-назар Олақўзининг невараси бўлган.

Олти йил бўлаётти, Жиянбой аканинг тақдирини Хоразм билан боғланган. У 1999-2003 йиллари Хоразм вилоятининг Бўғот тумани прокурори вазифасида ишлади. Айни пайтда Янгибозор тумани прокурори. Қаерда қандай вазифада ишлаганин, у аввало адолатпарварлиги, меҳнатсеварлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда. Қалтис жиноятларни фаш этишдаги журъди, ҳаётини ҳаф остига қўйиб бўлса ҳам олиб борган тезкор тадбирлари воҳа ахлининг таҳсинига сазовор бўлаётти. Боготлик савдогар қиз Салима ёҳуд янгибозорлик ёш ўқувчи Камолотнинг ўлими билан боғлиқ жиноятни очшида Жиянбой аканинг маҳорати иш берди.

Мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлашга бу инсон қўшаётган ҳиссаси элимиз юксак баҳолади.

Яқинда Президентимиз Ислон Каримовнинг фармониға мувофиқ Жиянбой Норимбетов «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Янгибозорга йўлимида тушганида, шом пайти бўлса-да, машинаси маҳкама биноси ёнида турганини кўриб, у кишини табриқлаб ўтишга қарор қилдик. Хонасига кирганимизда Жиянбой ака янги китобларни кўздан кечириб ўтирган экан. Биз билан сўрашган, деди:

— Кунбўйи иш билан бўлиб, кеч-қурун бироз идорада ўтириб китоб варақлайман. Янги асарларни ўқиб дам оламан.

— Сўраймиз ўндан.

— Тўленберг Қайипбергеновнинг «Қорақалпоқман» китобини.

— Ёқдимиз?

— Зўр! Бирок мутаола жараёнида эътирозли саволлар ҳам туғилди. Оксқол (мўаллиф назарда тутилмоқда) — Э.Б.нинг ўзига ҳам айтдим.

Биз стол устидаги бошқа китобларга ҳам кўз югуртирдик. К.Камолонинг хотиралари акс этган қалин китоби. Халқ достонлари, Махтумқалининг янги чиққан «Шеърятчи...»

— Идеал қахрамонингиз ким?

— Дея саво берамиз прокурорга.

— Эрназар Олақў! — дея жавоб бераркан, сиз уни биласизми деганга қараш қилди. — Ул зот элулусини бирликка, тотуликка қажирган, фаровонлик учун курашган тарихий шахс. Хива ҳукмдорларидан бири унинг халқ олдидаги обрўсидан ҳадиксираб, хоин укаларининг макри билан бошини кестирган ва пахлавоининг онаси Кумри аяни Хивага қажиртирган. «Қорақалпоқ-

ларда энг азиз меҳмон олдиға қалла (қўчқорнинг қайнатилган қалласи) чиқариш удуми мавжуд. Сиз азиз меҳмонимизсиз. Шу боис сизни ҳам олтин табакда қалла билан сийламоқчимиз», — дея Эрназарнинг кесилган бошини олиб чиқадилар. Кумри ая ўғлининг кесилган бошини кўриб оҳ-воҳ қилиш ўрнига, уни оҳиста сийлади: «Қарогим, сеннинг эр бошинг хоннинг олтин табакда сийланишга лойиқ қўрилган экан, мен сенга берган оқ сутимдан мингдан-минг розиман!».

Прократурнинг гургунгитинглар-канимиз, унинг тарихини чўқур билишига амин бўлдик.

— Оиламизда барчамиз тарихий, бадий китобларга ўқимиз, — дейди Жиянбой ака. — Турмуш ўртоғим ўқитувчи, қизим Рисгул журналист, «Янгибозор кўзгуси» газетасида ишлайди. Қизим Мийригул ота касбини танлаган. Қувонч, Соғинбой, Равшан, Ўлбўсин, Хадичаларда ҳам маърифатли касбларга қизиқишни сезаман.

Норимбетовлар оиласида маърифатнинг улуг'ланишини шу нарсасда кўриш мумкин, танкичи олим Хадича Сулаймонова таваллудига 70 йил тўлган кунни туғилган фарзандига Жиянбой ака ва Дамехон опалар унга бўлган эҳтирмини рамзи сифатида Хадича дея исм қўйилган.

Хуллас, оғани кутлаб, қайтишга чоғланарканмиз, Жиянбой ака шундай деди:

— Бу мукофот фақат менгагина эмас, балки Хоразм вилоятида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларимга берилган деб биламан. Ахир бизда «ёлғиз отнинг олдига чиқмас» деган ҳикмат бор-ку!

Дарҳақиқат, ҳар бир соҳа, ҳар бир тизимда ана шундай яқдиллик бўлар экан, захматқаш касб фидоийлари эҳтирмоғи сазовор бўлардилар.

Эрпўлат БАХТ,
ўз мухбиримиз

МУЛОҲАЗА БИР ИЛАТНИНГ ИККИ ҚУРБОНИ

Вақтнинг ўтишини қаранг, бундан юз йиллар аввал халқимизга ғайритабиий туолган ҳолатларга бугун табиий ҳолдек, эътиборсизлик билан қараймиз. Биргина шаробхўрликни олайлик. Спиртли ичимликка тўйиб олган одам унинг изидан бирин-кетин бир неча жиноятларни содир этишини билгани ҳолда инсоният бу иллатдан ҳеч қачон буткул халос бўлган эмас. Аммо Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кўнлар» романини, Махмудхўжа Бехбудийнинг «Падарқуш» драмасини эсланг. Уларда тасвирланган шаробхўрлик ҳилватда, қўздан панада бўлади. Негаки, у пайтлари одамлар кўча-кўйда шароб ичиб ўтирган кишини бир-бирларига қўлини бигиз қўраттишар эди.

Бугун ўндай эмас, гўё бировга ароқ ичма дейиш унинг қонунларда қаролланган ҳақ-хуқуқларига дахл қилишдай...

Яқинда жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судида фуқаро Елена Маҳжамбоевнинг қилиниши кўриб чиқилди. У — қотил. Уфатлари билан аввал дўконда, сўнг қўчада, ўндан кейин уйда вино ва ароқ ичишди. Еленанинг эри Ноил маст бўлиб ухлаб қолган, ароқ тугагани учун дугоналари Лена ва Вера Еленани уйда қолдириб, ароқ олиб келиш учун кўчага чиқишди. Веранинг солиқ эри Ноилни ўндан рашиқ қилгани Еленанинг жажлини чиқаради. Ошқондан пичоқ олиб дугоналарининг ортидан етиб боради ва қайғитанинги бузиб, йўқ жойдан жанжал чиқаргани учун Веранинг «жасосини беради».

Тергов ва судда Е.Маҳжамбоева айбини тўлиқ тан олиб қилимишидан пушаймонлигини билдирди. Суд жиноят ишидаги барча ҳолатларни инобатга олиб, уни ўн йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди.

Зиқрилла РАСУЛОВ,
Сирғали туман прокурори

МУНОСАБАТ

Демократик давлатнинг бош таъмоили — инсонпарварликдир. Адолат мезонига айланган қонунлар эса инсонни олий қадрият сифатида қадрлайди. Бугун суд-хуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам аини шу мақсадни қўзлайди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши ҳам шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ўлим жазосини қўллашнинг босқичма-босқич қамайтирилиши ва ҳиқоят уни қўллашдан бутунлай воз кечилиши суд-хуқуқ тизимида жиний жазоларни либераллаштириш амалга

оширилаётган жараёнларнинг мус-ҳим йўналиши бўлди.

Юксак инсонпарварлик ғояси билан суғорилган маъзур Фармон халқаро хуқуқ нормалари, Консти-

туциямизда белгиланган қондалар-га асосланган.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ахли орасида кенг тушунириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларни асослаб бериш-ни, жиний жазони янада либерал-



Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив ҳужжатлар моҳиятини жамоатчиликка тушунириш мақсадида тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят ва туман ҳокимликларида назорат органлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида семинарлар ўтказилиб, уларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб берилди.

Суратда: Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бошқармаси ҳамда вилоят солиқ бошқармаси биргаликда тадбиркорлик субъектлари манфаатини ҳимоя қилишга бағишланган ўқув-амалий семинар ўтказилаётган пайт.

лаштириш, шу жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш заруратининг ағлаб этилишини кишилар онгидида мустаҳкамлашни тақозо этади» дейилади Фармонда. Дарҳақиқат, баъзан «одам

ўлдириган кишининг яшашга ҳаққи йўқ. У ўлим жазосига маҳкум этилишига тўра», ёки «...ўлим жазосининг олиб ташланиши жинийчиликнинг қўпайи-шига олиб келади» деган бир ёқлама ёндашилган мулоҳазаларни ҳам эши-тади. Чўқурроқ ўйлаб кўрмаса-чи? Жинийчи хар қандай шароитда жазодан қутулиб қолмайди. Жазо му-қаррар. Ўлим жазосининг умрбод ёки

узoқ муддатга озодликдан маҳкум этиш билан алмаштирилиши ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш-да муҳим босқич ҳисобланади. Чун-ки жинийчи ҳақти-ҳаракатини таҳ-лил қилиш, ахлқдан тузатишга имкон я-ратибгина қолмай, ба-лки у йиллар давоми-да йўл қўйган ҳатоси учун виждон имтиҳо-нидан ўтади.

Ўлим жазосига маҳкум этил-ган жинийчинини эса ҳаётга қайта-риб бўлмайди. Бу ўз навбатида инсонпарварлик таъмоилига асо-сланган ҳуқуқий демократик давлат принципларига зиддир.

Ҳамза ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилоят прокурорининг ўринбосари

ВИЖДОН ИМТИҲОНИ АФЗАЛ

О.ОТАЖОНОВА
Республика Бош прокуратураси
бўлим катта прокурори

Истеъмолчилар ҳуқуқи

23-модда. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек судлар таъминлайди.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонундан

Республика аҳолисини тоза сув ва табиий газ билан таъминлаш борасида 2004 йил учун белгиланган режалар тўлиқ бажарилган бўлса-да, текширишларда жойлардаги мансабдорлар имкониятдан самарали фойдаланмаётганиги, қишлоқларни ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастури етарли дара-

Сув — тириклик манбаи. Инсон ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одамзот очликка бардош бериши мумкин, бироқ сувсиз нари борса 1-2 сутка яшайди.

Ичимлик суви масаласи бугунга келиб глобал муаммога айланди. Миллионлаб одамлар тоза сув истеъмол қилмаслиги оқибатида бедаво дардларга мубтало бўлаяпти. Бу ҳақда дунё матбуоти бонг ураётганига қарамай муаммо муаммолигича қолмоқда. Ҳукуматимиз аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш ҳақида бир қанча қарорлар қабул қилган эди. Улар қандай ижро этиляпти? Бу борада республика прокуратураси органлари кўплаб текширишлар ўтказмоқда.

Томчииси зар

жада ижро этилмаётганиги маълум бўлди. Жумладан, Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги А.Бердиқуллов номи ширкат ҳўжалигининг Ҳўшали, Орзқул, Тўқмоқ, «Туркистон» ширкат ҳўжалигининг Қозоқота, «Янгикент» ширкат ҳўжалигининг Алидароз, «Зарбанд» ширкат ҳўжалигининг Бойтўби қишлоқларига марказлаштирилган сув қувурлари ўтказилиши режалаштирилган бўлса-да, бу иш ҳануз бажарилмаган.

Баъзан арзимас маблаг ҳисобига ёки ҳашир билан битадиган ишлар бир неча йилга қўзғилиб кетади. Шунга ўхшаш ҳолини Қиёрай тумани «Қипчоқ» маҳалласидаги Наврўз, Форобий ва А.Тўлегенов номи кўчаларда, Фарғона шаҳридаги «Янгиобод» маҳалласида кузатиш мумкин.

Текширишларда сув тармоқларининг аҳоли ниятда ачи нарли эканлиги аниқланган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги муас-сасалари текширган 229 та ком-

бўйича 6 та коммунал ҳўжаликнинг 181 та идоровий сув тармоқларида санитария муҳофаза ҳудудлари мавжуд эмаслиги аниқланган.

Шунингдек, республика бўйича идоровий сув тармоқларидан 48 тасида тозалаш иншоотлари, 921 тасида зарарсизлантирувчи ускуналар мавжуд эмас. Бу борада айниқса Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Жиззах ва Тошкент вилоятларида аҳвол жуда ёмон. Муаммолар зудлик билан ҳал қилинмаса, истеъмол-га яроқсиз ичимлик сувлари фуқароларнинг соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин.

Республика прокуратураси органлари томонидан туман ҳокимларининг ўринбосарлари раҳбарлигида тузилган комиссиялар фаолияти ўрнатилганда ҳам бир қатор қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, айрим ҳокимликларда дастур ижроси юзасидан режа ишлаб чиқилмаган ёки белгиланган тадбирлар амалга

ниг ифлосланишига йўл қўйилганлиги аниқланган. Корхона раҳбари А.Рустамов қувурлардаги носозликларни бартараф этиш чорасини кўрмаганлиги оқибатида шу йилнинг январ ойида айрим фуқаролар тиф-паратиф ва ичтерлама касаллиги билан шифохонага ётқизилган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Текшириш натижалари бўйича 71 нафар мансабдор қонунларни бузмаслик ҳақида огоҳлантирилди. 147 нафари маъмурий, 2 нафари моддий жавобгарликка тортилди. 16 та ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, 187,4 млн. сўмлик зарар ундирилди. Судларга 2,3 млн. сўмлик зарарни ундириш юзасидан 33 та даъво аризаси киритилди.

О.МАТНАЗАРОВ,
Республика Бош
прокуратурасининг бошқарма
прокурори

Сув учун раҳмат. Аммо...

Ҳурматли тахририят! Сизга шикоят хатини ёзишимизнинг сабаби, биз, Мирзо Улугбек тумани Файзулла Ҳўжаев маҳалласидаги Мойлисой кўчасида яшовчилар, асосан Тошкент кабел заводи ва ремонт-механика заводида ишловчи оддий ишчилармиз. Кўчамизда 200 дан ортиқ хонадон бор. Кейинги йилларда маҳалламизни ободонлаштириш учун кўп ишлар қилинди. Маҳалламиз ҳудудида бу йил Солиқ қўмитасининг саломатлик маркази ишга туширилди. Ўтган йили эса ШХТнинг ассилтеррор маркази маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.

Бироқ бир йилдан буён бизни бир муаммо қийнаб келади. Ўтган йили кўчамизга янгидан ичимлик сув қувури ётқизилганди. Сув учун раҳмат. Лекин орадан бир йилдан кўп вақт ўтса-да, кўчамиз таъмирланмади. Оқибатда ўйдим-чўкур, қишда лой, ёзда чанг кўчага кириб-чиқиш қийинлашаёпти. Бу муаммони ҳал қилишда ёрдам сураб туман ҳокимиятига бир неча марта мурожаат қилдик. Ўтган йили ҳокимликка ариза билан бординимизда: «Бироз кутасизлар, чўнки кўчанинг тупроқлари жойига чўқсин. Кейин асфальт қиламиз», — дейишган эди. Ҳокимиятдаги раҳбарлар айтган муддат ҳам ўтиб бўлди. Яқинда туман ҳокими билан маҳаллада юзма-юз мулоқот бўлди. Ҳоким яқин кунларда кўчамизни таъмирлаб беришни ваъда қилди. Лекин шу вақтгача ваъда-ваъдалигича қоляёпти. Яна бир муаммо ҳақида айтмасак бўлмас, бир йилдан буён кўчадаги симёғочларда чироклар ёнмайди. Кўчамиздан юрган айрим меҳмонлар наҳотки Тошкентда ҳам шундай хароб кўчалар бўлса деб ажабланишади.

Ҳадемай ёмғирли кунлар бошланади. Яна кўчамизда юриш қийинлашади. Бундан айниқса, мактабга борадиган болалар азият чекади. Бу муаммони ҳал қилишда ёрдам беришингизни сўраймиз.

З.БОЯЗОВА,
И.КАЛЧУГИНА,
Н.БОТИРОВ

ва бошқалар, Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани



Юкумли касалликлар шифохонасида ишловчи таниш шифокор суудан ҳам захарланиш мумкин, деди оғир тин олиб. Шифохонамизга ётқизилаётган аксар беморлар қишлоқлардан. Аксари ариқ сувини ичиб, ичбурғ бўлишган... Қувурларда тоза ичимлик суви етиб бормаган, етиб борган жойларда турли носозликлар туфайли водопровод суви оқмай қолган. Ариқдаги оқар суви қайнатиб, тиндириб ичиш мумкин. Агар захарли моддалар оқизилмаган бўлса...

— Ота-болабларимиз ариқ сувиға хатто нон бўлагини оқизиб юборишни кўфр ҳисоблашган. Бошидан охиригача, неча маҳалла, неча хонадондан ўтса-да, ариқ суви покиза бўлган, — дейди риштонлик истеъдодли шoir Али Қамбар. — Минг афсуслар бўлсинки, ана шу муқаддас удуи унутилди. Қишлоқларга қувурда тоза ичимлик суви етиб бориши билан баробар, ариқ суви қадрсизланиб, унда ахлат-чиқиндиларни оқизиб айб бўлмай қолди. Лекин, қувур суви етиб бормаган қиш-

локлар бор. Етиб борган жойларда ҳам қувурдаги босим кучи озлиги, насослар носозлиги туфайли сув чиқмайди. Қўрғонча қишлоғимизда чиқаётган водопровод сувининг қаттиқлик даражаси нормадан бир неча

Пластмасса қувурлар ўзимизда ишлаб чиқарилаёпти-ку?!

Қува туманидаги Қайрағоч қишлоғи кўчаларига қувур суви етиб борган, хонадонларга ҳам қувур тортилган. Ҳар бир хонадонда кран-

Ичимлик суви муаммоси

бор юқори, иччи у ёқда турсин, кир ювишга ҳам ярамайди. Катта Фарғона каналининг ўнг соҳилидаги қишлоқлар аҳолиси лойка, турли чиқиндилар аралашган Катта Фарғона каналидан сув ичишга мажбур. Чап соҳилидаги қишлоқ хонадонлари эса тракторларда ташиб олиб бориладиган тоза ичимлик сувини пулга сотиб олишади. Бир бидон (20 литр) сув юз сўм. Муаммонинг ечимларидан бири — бир неча километр юқоридан қиёб ўтувчи Сўх дарёси сувини тозалаб, қишлоқларга тарқатиш бир неча йиллардан буён ҳал бўлмаёпти.

лар ўрнатилганди. Бироқ водопровод суви тақсимланадиган иншоотдан узиб қўйилгани учунми, тоза сув оқмай қолди. Хусусий трактор эгаси қишлоқни бочкаларда тоза сув билан таъминлай бошлади. Бироқ кўпчилик хонадонларга ҳар кунги тоза сув учун 400-500 сўм тўлов (бир бидони 100 сўмдан) оғирлик қилиб, қарз кўпайиб кетгач, тракторчи сув ташимай қўйди. Қишлоқдан 3-4 километр нарида битта водопровод жўрағи сақланиб қолган. Хонадонлардаги катта ёшли болалар, аёллар, қизлар не азобда аравача ёки велосипед-

ларга бидон ортиб, сув ташишади. Шунга ҳам қўрби етмайдиганлар лойка ариқ сувида фойдаланишади. Биронта ташкилотчи одамларнинг бошини қовуштириб, водопровод қувурлари сувини оқизиш

салликлар тарқалишига сабаб бўлиши мутасадди идораларни ташвишлантирмаёпти (мақола тейлаётганда хушхабар олдик. Усталар ишга киришибди).

Шаҳарларда, турар-joy мавзе-

ҳақида қайғурмаяпти. Туманларда, чекка қишлоқлардагина эмас, шаҳарларда ҳам водопровод суви ўткир муаммога айланаёпти. Биргина мисол, Марғилон шаҳридаги Ҳузуржонов кўчасининг 26-28-кўп қаватли тураржой биноларининг учинчи, тўртинчи, бешинчи қаватларига уч ойдан бери сув чиқмайди. Хонадонларнинг арзлари инобатга олинмаяпти. Депарадаги сув тортиш насослари таъмирлаб берилмаяпти. Хонадонлардаги сувсизлик келтириб чиқараётган оддий санитария қоидаларига зид ҳолат юкумли ка-

ларигадаги кўпқаватли уйлarning юқори қаватларига сув чиқмаётган ҳолатлар ҳар қадамга учрайди. Бунинг сабабларидан бири сув узатиш тармоқларининг қуввати талаб даражасига жавоб бермаслиги билан бирга кўпқаватли уйлarning ўзида ҳам, шаҳардаги ҳовли-уйларнинг аксарияти ҳам ёз кунлари боғча ва томорка экинларини водопровод суви билан суғоришлари туфайли, етакчи қувурларда босим камайиб кетмоқда. Шу тариқа истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари қўпол тарзда бузиляпти. Масаланинг иккинчи тарафи — истеъмолчиларнинг ўзлари

ҚОНУН ҳИММОЯСИДА

Ота-боболаримиз сувнинг ҳаёт учун нақадар қимматли эканлигини ўқитиб, унинг қадрига етиш, тежаш ва покиза соқлаш лозимлиги ҳақида кўп насиҳатлар қилиб кетишган. Бироқ, шунга қарамай ҳаёт манбаи саналган сувга муносабатни бугунги кунда кўнгилдагидек деб бўлмайд.



ТОМЧИСИДА КҮЁШ НАМОЁН

Ўзингиз гувоҳсиз, тарихий манбаларда ёзилишича, ариқ қазиб, сув келтирилган кишилар эл орасида доим қадрланиб келган. Ёгин-сочин камайиб, сув ниҳоятда қадрини ўтказган пайтларда деҳқонлар ҳақ-таолога илтижо қилиб, наҳот сўраганлар.

Саъдий Шерозийнинг бир ривояти ёдингиздами? Сахро кезиб юрган бир қаландар катта қудуққа дуч келиб қолади. Бориб қараса, унинг ёнида бир кучук мажолсиз, сувсизликдан суялиб ётарди. Шунда ўша одам салласини арқон қилиб, қудуқдан қалпоғига сув олади-да, олдин кафти билан кучуққа ичтиради. Унинг бу ишидан хабар топган пайгамбар «Шундай кўмакни нега мен бермадим?» дея худодан гуноҳларини сўраган экан.

Ёшликда хотирамда сақланиб қолган яна баъзи нарсаларни эслагим келади. Қишлоғимиз яқинидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси соҳилларида жуда кўп дов-даракт ва ўсимликлар ўсиб ётарди. Айниқса, дарёдан чиқарилган Нарпай қанали бўйида сероса, сўлим масканлар кўп эди. Илдиэлари бири-бирига чирмашиб кетган ўша улкан дарактларга пайлақлар инқурур, қўшлар чўғури кўнўйи тиммасди. Канал бетонлаштирилгандан кейин эса табиатнинг шундай бойликлари асар ҳам қолмади. Да-


ҳам, айниқса, шаҳарларда фойдаланилган тоза ичимлик суви ҳақини тўлаб боришмаяпти. Бу ўз наваб-тида вилоят «Сувқова» ишлаб чиқариш бирлашмасида мавжуд тоза сув қувурлари, тармокларини таъмирлаб, ўтказиш қувватини ошириб бориш учун зарур маблағ етишмаслигига сабаб бўлаётди. Бу гапга кўпқаватли бинонинг юқори қаватида яшовчилар етказиб берилмаган сув учун нега ҳақ тўлаймиз, дея эътироз билдиришади. Демак, ҳар бир хонадонга сув ўлчагич (счётчик) ўрнатилиши ва шунга асосан тўловлар ҳисобланишини йўлга қўйиш керак. Муаммони боши берк кўчадан чиқаришнинг бошқа самарали воситалари ҳусусида ушбу соҳанинг мутахассислари ўз сўзларини айтишлари лозим. Сув таъминотчилари ҳамда истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ва қонуно-сти ҳужжатлари қайта таҳрир қилиниб, ўзаро мажбуриятлар аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

Исроил ИБРОХИМОВ,
«Нуқуқ» мухбири

сув ишлаб чиқариш иншоотлари орқали тоза сув билан таъминланади. Ҳариншоотда иккитадан махсус қувур орқали шаҳарга сув ҳайдалади. Ҳўжасизлик шу даражадаки, мана шу қувурларга яқин ҳудудда яшовчи талай кишилар сўров ва ҳеч бир ҳисоб-лағичларсиз уларга улашиб олиб, тоза сувдан фойдаланиб келишаётди.

Бир қанча томорқалар ичимлик суви билан сўғорилади, айрим қранларда эса сув беҳудага оқиб кўйилибди. Ахир гала-говур бозор-

Самарқанд шаҳридаги қатор уй-жой мулкдорлари ширкатларида ҳам сувдан фойдаланиш борасида муаммолар бор. Қувурлар чириб, сув оқиб ётади. Айрим кўп қаватли уйларнинг ертўлаларида узлуксиз тоза сув исрофгарчилигини



Тешик меш тўлармиди?

рахтлар кесилиб, канал қирғоқлари тақир йўлакка айлантирилди.

Конимех тумани ҳудудидан ўтиб, Зарафшон шаҳригача бўлган қарийб икки ярим соатлик йўлни машинада босиб ўтишимиз керак. Қип-қизил чўл ва қайноқ қумлиқлар оралаб борар экансиз, ниҳоятда зерикарли муҳитга тушасиз. Шундай сахронинг қоқ ўртасида яратганнинг инояти билан бир қайнар бўлқ кўз очиб, ўндан халқимиз баҳраманд бўла бошлаган эди. Бўлқ суви шиғобохаш бўлгани учун айрим манфаатпарастлар сувини кўпайтирмоқчи бўлишди. Оқибатда бўлқнинг кўзи битиб, ер қаърига йўқолиб кетди.

Табиатимиз тенгсиз бойлиқларга эга. Айниқса, тоғу тошлардан бошланувчи ирмоқ ва сойлар шаффофлиги, зилоллиги билан ажралиб туради. Ичсанг ором ва мадор сезасан ўзингиз. Айрим дам олиш масканларида зилол сувларни кичик идишда бўлса-да, табаррук билиб олиб қайтадилар. Бу замондошларимизнинг софлиққа ташналигидан эмасмикан?

Шундайликка шундай-ку-я, бироқ яна шу халқнинг баъзи лоқайд вакиллари ҳеч нимадан тап тортимай тиниқ сувларни ифлослантириш, уларга чикинди ва мағзава ташлашдан сақланишмаётди. Катта-катта заводларнинг чикинди сувлари тўғридан-тўғри ариқ ва анҳорларга ташлаб қўйилибди. Баъзилар мол ва ит жасадларини осонгина кўздан йўқотиш мақсадида оқар сувга итқитишаркан. Шу ҳам инсофданми?

СУВ ЙЎГИДА — ТАЯММУМ

Самарқанд шаҳрининг бир даҳасидаги кўп қаватли биноларда икки-уч кун ичимлик суви бўлмай қолди. Челақ кўтарган хотин-халаж сув излаб югуриллашади. Бунини соҳадаги нуқсон сифатидагина айтиётганим йўқ. Балки, сувининг ҳаётимизда қанчалик муҳим ўрни борлигини назарда тутдим. Бундай пайтда кўпроқ туриб қолган ёхуд дўкондан келтирилган маъданли сув кўзга сургулик бўлиб қолааркан. Шундай экан, озаёиб қолишини кутмасдан, бор сувини тежаш зарур. Лекин гап истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳусусида бораркан, баъзи муаммолардан кўз юмиб бўлмайди.

Самарқанд шаҳридаги 48.000 дан ортиқ хонадон Чўпонота ва Даҳбед

да ҳам тош-торози деган нарсалар бўлади-ку. Бундай ҳўжасизликнинг жабрини оддий халқ — истеъмолчилар тортаётганига бепарво қараб бўладими?

Айтаман десанг гап кўп-у, келинг, улардан айримларини вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи Раҳматилла Доғиёровдан эшитайлик.

— Вилоят прокуратураси органлари Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асоси сиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижроси юзасидан текшириш ўтказишди. Гарчи соҳада вилоят ҳўкимлиги ҳузуридаги тарифлар ва уй-жой коммунал ҳўжалигида иқтисодий ислохотлар дастури бажарилиши мониторингини олиб бориш комиссияси фаол ишлаб турган бўлса-да, коммунал хизматлар қиймати ва улар учун тарифлар миқдорини таҳлил қилиш етарли самара бергани йўқ. Айниқса, сувини ҳисобга олиш асбобларини ўрнатилиш ва улардан фойдаланиш аҳоли талаб даражасида эмас.

Вилоят «Сувқова» ишлаб чиқариш бошқармаси фаолиятига келсак, 2005 йилнинг 1 августига қаракорхонанинг 3 млрд. 551 миллион 200 минг сўмлик дебиторлик қарзи мавжуд бўлиб, 1 июлдаги нисбатан 106 млн. 400 минг сўмга ўсган. Бу нарсга жамоа елкасига оғир юк бўлиб тушаётти.

Муаммоларнинг илдизи бир жихатдан кадрлар масъулиятсизлигига ҳам бориб қадалади. Масалан, Ургут туманидаги аҳолини олайлик. Туман «Сувқова» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи А.Отабоев ва бош ҳисобчи О.Очиловлар вазифини атайин бажариммаган. Натигада 2005 йил 1 январига қаракорхонанинг 3 млрд. 393 минг сўмлик дебиторлик қарзи мавжуд бўлиб, 1 июлдаги нисбатан 106 млн. 400 минг сўмга ўсган. Бу нарсга жамоа елкасига оғир юк бўлиб тушаётти.

Мазкур ҳолат юзасидан Ургут туман прокурори бошқарма бошлиғи ва бош ҳисобчи нисбатан жиноят иши кўзғатган.



қуриш мумкин.

Ислом шариатида киши сув йўқ пайтлари кўп кафтларини тупроққа босиб, покланади — таяммум қилади. Лекин чанқовникондиршида бундай услуб йўқ. Бунинг учун бир йўл — сувини эъзозлаш йўриғи мавжуд.

ТЕШИК МЕШ ЯМАЛИШИ КЕРАК

Тешик мешга қанча сув солганинг билан тўлмайди. Муаммони ҳал қилиш учун аввал уни ямаш керак. Тоза сув исрофгарчилиги борасида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу борада менга шаҳар «Сувқова» ишлаб чиқариш бошқармаси мижозлар билан ишлаш бўлими менежери Дилшод Мавлонжориевнинг фикрлари ётди. Катта бир кўча аҳли доим сув етишмаслигидан арз қилиб юришар экан. Шундан кейин бошқарма ходимлари ўша кўча хонадонларини бошдан-оёқ сув ўлчагич билан таъминлаб, хатто ўрнатиб беришди. Қарангки, ҳозир тоза сув қўйибди охириги хонадонларига ҳам етарли оқиб бораркан. Чунки беҳуда оқибди қўйилмайдиган. Ҳўш, нега энди шу услубни бошқа кўчаларга ёки бутун шаҳардаги ташкилот ва хонадонларга қўллашни пайсалга солашимиз?

Шаҳримиз аҳолиси ва саноат қорхоналари учун ҳар йили ўртача 42-45

млн. метр-куб сув зарур бўлар экан. Ҳақиқатда эса 96-100 млн. метр-куб ишлаб чиқарилапти. Қувурларнинг эскириши ва юқорида қайд этилган ҳўжасизлик ва ўзбошимчалиқлар тўғрисида шунча ортиқча сувини узатиб, «тешик меш»ни тўлатмоқчи бўлаётми. Бунинг учун эса қанчадан-қанча электр энергияси ошқича сарф этилаётди. Ҳисоб-китобга келсак, шундай катта шаҳардаги хонадон ва ташкилотлар учун атиги 2500 тагина сув ўлчагич ўрнатилгани қандай изохлаш мумкин?

Яна бир гап. 350 нафардан ошқиходим меҳнат қилаётган шаҳар «Сувқова» ишлаб чиқариш бошқармаси жамоасига ҳали феврал ойи учун ҳам иш ҳақи берилгани йўқ. Иш ҳақининг ўзидан 71 млн. 707 минг сўм қарздорлик мавжуд. Наҳотки, бошқарма бошлиғи Уктам Сирожиiddинов ташкилот раҳбарлари ҳар қандай шароитда ҳам бажарилган меҳнат учун ойма-ой ҳисоб-китоб қилишга мажбур эканлигини унутиб қўйган бўлса?

Хуллас, соҳада ҳали ютқуқларга соя солиб турган, ечимини кутаётган муаммолар талайгина ва биз бу мавзуга яна қайтаимиз.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Нуқуқ» мухбири

SUD OCHERKI

БАХШИННИНГ КАРОМАТИ

Иноят бахши икки юзталик бир боғлам пулни олиб, кўрпача остига ташлади-да, йигитга бошдан-оёқ тикилди. Охорли кўйлагига чиройли бўйинбоғ таққан, бир хил фасонда чет эл фирмасида тикилган костюм-шим унга улугворлик бағишлаган турарди. Оқ-сарикдан келган истарали юзи, кишига дадил боқувчи кўзлари унинг катта лавозимда хизмат қилишига шубҳа қолдирмасди.

Иноят бахши аллақандай ёзувлар туширилган қоғоз устидаги майда тошчаларни у ён-ён суриб жойларини алмаштирди, заҳил ўзига табассум ёйилди.

— Ўғлим, ҳар томонлама омадингиз келиб турибди. Тошчаларни қаёққа сурмай, хазина эшикларига бориб қолаяпти. Ҳа, сиз тез орада бойиб кетасиз. Пул кўтарган ми-жозлар сизни қидириб юрибди. Аммо... — бахши нимагадир ишора қилгандай овозини бироз пасайтирди, — ҳушёрлик билан ҳаракат қилаверасиз.

Ҳошимбой виқор билан ўрнидан турди. Бахшининг кароматидан мамнун бўлиб, яна тўртта беш юзталик ташлади.

ВОЛФ МЕССИНГНИ БИЛАСИМИ?

Полшалик машҳур кўзбўлоғич Волф Мессингнинг бутун кучи ва сеҳри кўзида бўлган дейишади. У ҳали болалигида поездда чиптасиз кетаётганида вагонда текширувчилар пайдо бўлади. Улар йўловчиларнинг чипталарини текшириб, бир четини тешиб қайтарарди.

Мессинг чиптасиз кўрқиб, нима қилишини билмай йўлакда серрайиб турарди. Бирдан у полда ётган қоғоз бўлагини олади-ю, назоратчининг кўлига тутқазади ва унинг кўзига қарайди. Назоратчи қоғозни «кирт» этиб тешади-да, Мессингга узатади.

— Нега ўртада қаққайиб турибсан, чиптанг бор, жойингга ўтир! Шунда Мессинг ўзидаги сеҳрғарлик кучи кўзида эканлигини пайқайди ва тезда машҳур бўлиб кетади.

Қаҳрамонимиз Ҳошимбой Давлатов сеҳрғарлик бобида Мессингнинг йўлда қолдиради. Унинг кучи, сеҳри, андеш қобилияти сўзида, улугвор савлатида, кўркам кийинишида, одамлар уйини кира олишида эди.

Ишонмасизми? Бўлмаса қуйидаги саргузаштлар билан танишинг.

УЙ КЕРАКМИ ЁКИ МАШИНА?

Ботир Умаров (жабрланувчиларнинг исм-фамилиялари ўзгартрилиб берилган) ҳарбий хизматдан пенсияга чиқди. Унга Андижон шаҳар дукчи Эшон кўчасидаги 16-й 19-хонадон хусусийлаштириб берилди.

Эл қатори яшаб юрганди. Нима бўлди-ю, «Дамас» мингиси келиб қолди. Шаҳардаги уйини сотиб, жамғармасини кўшса, кредитга «Дамас» келаркан. Бу ишнинг улдасидан чиқадиган таниш-билишларга маслаҳат солди.

— Сен аввал уйни сот, «Дамас»нинг янги пулини тўла. Ҳошим деган танишим бор, кредитга машина олишининг қифтини келиштиради. Мен ҳам уйини сотиб, пулини Ҳошимга бердим, — деди Ботирнинг таниши Музроб.

— Э, оғзингга палов, шундай одамни тополмай тургандим. Уша танишини билан учрашди, — деди Ботир. Орадан ҳафта ўтди. Қаҳрамонимиз Ҳошимбой бу ерда ҳозир нозир бўлди.

— Иштихон-Асака» фирмасида дилер бўлиб ишлайман, — деди Ҳошимбой. Сўнг чарм муқовали папкасини очди. — Мана бу фирманинг муҳри, булар лицензия. Сизни машина олмоқчи экан, деб эшитдим.

— «Дамас»га қизиқиб қолдим, ака. Аммо ҳамён чатоқ. Уйни сотсам, бир ярим миллион тайёр.

— Уйингиз шаҳарнинг яхши жойида экан, — деди Ҳошимбой кўзлари ялтираб. — Уйингизни фирмага офис қиламан. Кейин яхшилаб таъмирлаймиз, нархи ошади. Уй қанчага баҳоланса, пулни фирманинг ҳисоб-рақамига ўтказамиз. Камини кўшасиз, қарабсизки, японги «Дамас»ли бўлиб турибсиз.

Бу гап Ботирга мойдек ёқди. Уйини ишончнома орқали нотариусга тасдиқлатиб, Ҳошимбойга хатлайдиган бўлди. Қаҳрамонимизнинг устамонлигини қарангки, уйни ўзининг эмас, Раҳмон Ҳасанов деган кишининг номига расмийлаштиради. Бундан шубҳаланган уй эгаси Ҳошимбойга савол назари билан қарайди.

— Ҳозирча уйни менинг номимга ўтказиш мумкин эмас, — дейди Ҳошимбой. — Паспорти Иштихон шаҳрида ҳисобда турибди. Раҳмон жияним, ҳеч хавотир оладиган жойи йўқ.

Орадан кўп ўтмай «хавотирли» жойи қиқиб қолди. Ҳошимбой Солижон Жумабеовнинг ҳам уйини соттириб, бошқанинг номига расмийлаштирган экан. Эвазига «Дамас» олиб беришни ваъда қилган. Ботир уйининг ҳужжатларини олиб нотариал идомага борди. Суриштириб билса, уй аллақачон номаялум шахсга сотиб юборилган экан.

ҲОШИМБОЙНИНГ ҲОЛИГА ВОЙ

ИККИ БАЛЛ УЧУН 500 ДОЛЛАР

Марҳаматлик Тожибой Зокировнинг ўғли Абдусалом уйга хомшў кириб келди. Сўрининг бир четига омонатгина ўтириб, уф тортиди.

— Ҳа, мунча шалвираб келмасанг? Нима бало, балинг етмадими? — деди ота.

— Атиги икки балл, — деди Абдусалом кўзлари ёшланиб, — ўтишимга аниқ ишонардим, дада.

— Хафа бўлма, ўғлим, — деди отаси. — Эртага борамиз. Икки балл етмаган бўлса, ҳеч гап эмас. Жазоси пул-да, тўғрилаймиз.

Изоҳ: 2004 йилда «ЎЗДЭУ» кўшма қархонаси ёшларни ишга қабул қилиш учун танлов ўзлон қилган. Синовдан ўтган йигитлар ҳайъат қарори билан ишга қабул қилинган. Бу жараёнда ҳам баъзи устамонлар пул ишлаш учун ҳаракат қилганлар.

Сутранг «Матиз»дан тушган Ҳошимбой ота-бола Тожибой билан Абдусаломга рўбарў бўлди.

— Қаранг, атига икки балл етмай қолди, — деди Тожибой Ҳошимбойни марказдан келган катталардан бўлса керак деб ўйлаб. — Ўғлим уйга ҳафсаласи пир бўлиб борди-да. Рухи ҳам тушиб кетди, бола шўрликнинг.

— Битмайдиған иш борми, амаки? — деди Ҳошимбой мижози йўлидан чиққанига қувониб. — Мен Вазирадиган Маҳкамасида ишлайман. «ЎЗДЭУ»га ишга қабул қилувчи назорат комиссияси вакилиман, ишга киритиб қўйишга ваколатим бор, — шундай деб қўйлагининг чўнтагини дувохнома чиқарди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Вазирадиган Маҳкамаси. Ҳошим Ҳамдамович Давлатов» деган сўзлар янги алфавитда ёзилиб, дувохнома эгасининг сурати четига думалоқ муҳр урилганди.

— Э, яшанг-е, ҳизирни йўқласам бўларкан. Шу ўғлимни йўлини қилиб «ЎЗДЭУ»га ишга жойлаб қўйсангиз. Кўп қатарли бизга бехт қўши кўнсин, — деди пир олдида тавозе билан турган муриддек Тожибой.

Ҳошимбой бир Тожибойга, бир ўғлига виқор билан қаради, гўё бу иш бизга чўт эмас дегандек, камарига қистирилган телефонини олди, аллақандай рақамларни тера бошлади.

— Ҳа, бу мен, вазириликдан келган вакил Ҳошим Давлатов! Менинг ваколатимдаги олти ўриннинг иккитаси бўш-а? Яхши. Тушунарли. Бешинчисига... Ҳозир айтаман, — Ҳошимбой Абдусаломни ёнига имлади, паспортини олди. — Абдусалом Зокиров. 1981 йилда туғилган. Компютерга кири-тиб қўйинг. Уал-батта кири-

ля-сини бердилар. Хуллас, ишга жойлаш «операцияси» қизигандан-қизиди. Анойилар сўраб-суриштирмай, Ҳошимбойнинг ҳаменига топганини келтириб тўқдилар. Шу тарихка меҳнат қилиб толган пулини кўкка совурганлар 50 нафардан ошиб кетди. Бахшининг каромати ҳақиқатга айланди, ҳозирча Ҳошимбойнинг пичоғи мой устида!

ОМИНАХОННИНГ ҲАСРАТИ
Жабрланувчи Оминахон Ўзбекистоннинг тергов ва судда берган кўрғазмасидан:

«Мен асли хонободликман. 1977 йили Асака савдо техникумига ўқишга кирганман. Ушанда Ҳошим Дав-

латов учиб келдим. Хушхабар бутун Хонободга овоза бўлди. Ҳошимнинг бўлса, мушкуллар ҳам осон бўларкан дедим-да, қизимни ТДЮИга ўқишга киритиш учун Ҳошимга уч миллион сўм кўлиб бердим.

Майли, тилла тақинчоқлар тақмасам ҳам қизим ўқисин дедим. Ўғил-қизини ўқишга олпа-осон жойлаш сир-асорини сўраб-суриштиришди. Уша «катта одам» Ҳошимбек билан таништириб қўйишми илтимос қилишди.

Элчига ўлим йўқ. Нима бўпти, биродарларимга нафи тегса яхши-да дедиму Ҳошимга кўнғирок қилдим. У «рўйхат қилинг, ўқишга киришинг ставкасини айтинг, пуллари тайёрлаб туришини деди...».

Шу ерда Оминахоннинг ҳикоясини тўхтатамиз.

Тошкентдаги олий ўқув юртларига ўғил-қизларини ўқишга киритиш учун «катта одам»га пул берганларнинг номларини санаб ўтмоқчи эмасмиз. «Вазириликда ишлайдиган» киши билан учраштириб қўйган Оминахон, ўғил-қизлари ортидан Хонобод-Тошкент ўртасида бўзчининг моқсидек бориб келган ота-оналарнинг изтиробларини тасвирлашга ҳоҳат бўлмаса керак. Оминахонга нима бўлди дersen? Ўғлининг олий ҳарбий билим юртида ўқийётганлиги қип-қизил ёлгон бўлиб қичди. Қизи эса ТДЮИнинг остонасига ҳам бора олмади.

Ҳошим Давлатов фуқароларнинг ишончига кириб қилган кирдиқорлари билан танишдингиз. Салкам тўрт ойлик тергов ва суриштирув жараёнида Ҳ.Давлатовнинг барча ёлгонлари фош қилинди. Рад этиб бўлмайдиган далил-исботлар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрғазмалари қаршисидан Ҳ.Давлатовнинг боши эгилди...

Одил суд экинча уни 11 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Изоҳ: Ҳ.Давлатовнинг алдов ва фирибгарлик йўли билан пул топишига ёрдам берган, меҳнатига яраша «чўтал» олиб турган Махмуджон Аминжонов, Абдунаби Абдуллаевлар ҳам тегишли жазосини олди.

Ёлгоннинг умри қисқа. Бундай қинғир йўлни танлаганлар қилмишига яраша жазо олишига шубҳа йўқ. Аммо бизни бошқа нарсга таажжубга соляпти. Наҳотки, одамлар фарзандларини иш ва ўқишга жойлаш учун мана шундай қинғир йўлни танласалар? Тер тўғиб толган маблағини хонзондек совурсалар? Қаранг, ношуд ва лакмаларнинг ўз қўли билан Ҳ.Давлатовга келтириб берган маблағи 56.360.000 сўмга етибди. Озгина пулни бу? Эшакка ортсанг, бели майишади!

Халқимиз содда, ишонувчан, андишали. Ишини битириш учун борини келтириб тўкади. Чув тушса, сочини юлиб, ҳуқуқ-тартибот идораларига югуради.

Уйлаб кўринг, медалнинг орқа томони ҳам бор. Ҳ.Давлатовга пул келтириб берганлар аввало ўз манфаатини кўзлаб, қонунга хилоф иш қилаётганликлари билан туриб, ўзларини ўтга-қўққа урганлар. Мана натижа: оилабайиллаб йўққан маблағи бир олғирнинг жигилдондан ўтиб кетибди. Ҳали Давлатов озодликка ҳам чиқар, лекин олган пуллариини эгаларига қайтариб бериш учун қурби етармикан? Ким билади, бунга ҳаёт дейдилар. Яратган эгам ҳар кимнинг ниятига яраша берад экан. Ҳошимбойнинг ҳолига вой энди!

Султонбек ЙЎЛБАРСОВ,
Асака туман прокурори
Абдулаҳад ЎРМОНОВ,
журналист

TAKLIF

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА СУД

Қонун устуворлигини таъминлашда суд органлари муҳим вазифани ўтайди. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараёндир. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармон бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Лекин жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат органлари қанчалик демократик нормалар асосида ташкил этилмасин, унинг устидан жамоатчилик назорати ўрнатилмаса турли салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Қонун ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда Япониядаги оилавий судлар ва Буюкбританиядаги магистрат судлари эътиборга молик. Улар кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда одил судловнинг тез ва самарали амалга оширилишини таъминлайди. Масалан, Буюкбританияда судлар кўриб чиқадиган ҳужужбузарлик ишларининг 80-85 фоизи магистрат судларида ҳал қилинади. Англия ва Уэльсда жами ўттиз минг магистрат судлари фаолият олиб боради. Улар жамоатчилик асосида, яъни хизмат учун ҳақ олмасдан ишлайдилар. Россия ва бошқа мамлакатларда ҳам шундай суд органлари мавжуд.

Биз Ш.Шорахметовнинг «Дастлабки босқич судларининг фаолиятини оsonлаштириш учун жойларда маҳаллий судларнинг таш-

кил этилиши мақсадга мувофиқдир» деган фикрига қўшилган ҳолда улар фуқаролар ўртасидаги майда жиноятлар, оилавий, меҳнат интизомига оид ишларни текширмоғи лозим деб ҳисоблаймиз. Маҳалла кўмитасининг раиси бир вақтнинг ўзига судьялик вазифасини ҳам бажариши мақсадга мувофиқ. Бундай тизим Қўқон хонлигидаги суд тизимида мос келади.

Бу суд органлари ишининг самарадорлигини ошириш билан бирга жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашнинг яна бир муҳим воситаларидан бири суд процессида аҳолининг иштирокини кенгайтиришдир. Мисол учун, АҚШ Англия қарамлигидан озод бўлгач, ўз конституциясида қасамёд қилган маслаҳатчилар

судни мамлакат судлов тизимининг асосини ташкил қилишини эътироф этди. Конституция асосчилари қасамёд этган маслаҳатчилар судига «эркинликларнинг энг қимматли қафолати» ҳамда «эркин бошқарув шаклининг таъинчи» дея таъриф бердилар. АҚШ конституциясининг 2-қисми 11-моддасида таъкидланишича, «импичментдан ташқари жиноят ишлари қасамёд этган маслаҳатчилар судида кўрилиши лозим».

Зеро, суд процессининг асосий муаммоси айбланаётган шахснинг ҳақиқатан айбли ёки айбсиз эканлигини аниқлашдир. Буни махсус ҳуқуқий тайёргарликка эга бўлмаган ҳолис кишилардан ташкил топган маслаҳатчилар ҳал қилади. Маслаҳатчиларни суд муҳокамасидан олдин танабб олтиришнинг шундай усуллари ишлаб чиқилганки, бу процесс иштирокчиларининг уларни огдириб олиш, келишиш, таъсир қилиш ва бошқа ноқонуний воситаларни қўллаш имконини чеклайди. Демократиянинг ижтимоий-си-

ёсий маъноси халқ ҳокимияти демакдир. Халқ ўз иродаси билан ижро этувчи ҳокимиятни сайлайди, вакиллик асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятни шакллантиради. Шундай бўлгач, халқ учинчи — суд ҳокимияти ишида ҳам фаол қатнашиши катта ижтимоий аҳамиятга эга. Демак, даврлар ва халқлар синовидан ўтган одил судлов юритувнинг қасамёд қиладиган маслаҳатчилар шаклини мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида қўллаш ёки қўлланмаслик масаласини чуқур мулоҳаза ва мушоҳада қилиш фурсати келди. Ҳуқуқшунос олим Б.Пўлатов ҳам халқ маслаҳатчилари институтини мамлакатимизда қўллаш лозим деган фикрни билдирган. Халқ маслаҳатчиларининг иштирокидан қўзланган айни мақсад ҳам мубайн ҳаётий тажрибага эга бўлган оддий, бироқ обрўли фуқароларнинг билимидан фойдаланиш, аҳолининг одил судловни амалга оширишдаги иштирокини, жамоатчилик назоратини таъминлашдир. Шунингдек, суд процессида халқ вакилларининг иштирок этиши ишни бир томонлама — қоралов асосида ҳал қилишнинг олдини олади.

Фаол, мустақил суд ҳокимияти шаклланиши жамиятимизда қонунлар ижросини таъминлашнинг муҳим шартидир, чунки фақат унинг воситасида мамлакат конституциясида мустаҳкамланган норма ва тамойиллардан келиб чиққан ҳолда адолатли суд қарорлари чиқаришга эришилади.

Ҳуқуқий ислохотларни амалга

оширишда суд ҳокимиятининг оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини ривожлантириш тақозо қилинади. «Ахборот олиш эркинлиги ва қафолати тўғрисида»ги қонунда давлат органларининг ижтимоий аҳамиятга эга масалалар юзасидан аҳолини хабардор қилиш мажбурияти суд органлари зиммасига янги вазифалар юклайди.

Бу борада Ўзбекистон Олий суди томонидан ибратли ишлар қилинапти. Мисол учун, муҳим масалалар юзасидан ўтказилаётган Олий суд пленумининг йиғилишлари, семинарларни ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситалари хабардор этилмоқда. Бундай фаолият махсус хизмат томонидан умумлаштирилса яхши натижа беради. Олий суднинг матбуот хизмати шундай орган сифатида тузилган бўлса-да, унинг вазифалари ханузгача аниқ белгиланмаган.

Бизнингча, биринчи ўринда Олий суд матбуот хизматиининг низоми қабул қилиниб, унинг зиммасига суднинг оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини ташкил этиш, суд органлари фаолиятидаги муҳим масалалар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш, аҳоли фикрини ўрганиш, камчиликларни бартараф қилиш борасида Олий судга тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Вилоят ХУДОЙБЕРДИЕВА,
юридик фанлар номзоди

ЖИНОЯТ ВА ЈАЗО

Удумимизга кўра оламдан ўтганлар фақат яхши сифатлари билан эсга олинади. Бироқ Абдуҳафиз Умаровга нисбатан «Яхши ошини ейди, ёмон бошини» деган нақлни келтириш ўринли. Жиноят иши бўйича тўпланган материаллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари марҳум А.Умаров жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасдан, ўз бошига мусибат сотиб олганидан далолат беради.

«Абдуҳафизни таниганимга ярим йилча бўлди, — дейди гувоҳ аёллардан бири дастлабки тергов ва суддаги кўрсатмасида. — Маҳалладагилар унинг урушқоқлиги, бетгаопарлигидан юрак олдиришган экан. Ўтган-кетганларга ҳеч бир сабабсиз гап отиб, гашига тегиб ҳузурланишининг гувоҳи бўлганман».

Бу каби «шер» йигитлар одатда тўйларда жанжал чиқариб, барчанинг эътиборини тортиш, зўрлигини намойиш этиб обрў орттиришга уринишди. Кимдир шу билан тенг бўлиб, бир балога йўлқмай деб иззатини ўрнига қўйса, кимдир юраксизлиқ қилиб, ичиде ёмон кўрса-да, ташида ялтоқланиб туради. Айнан ана шундай кишилар уларнинг тегирмонига сув қуйишди.

2005 йил 28 феврал куни Қўқон шаҳри А.Исломов кўчасидаги 212-хонадонда тўй бўлаётган эди. «Жигули» машинасида киракашлик қилувчи Зухриддин Тошпўлатов маҳалладоши Миразизнинг никоҳ тўйига кундуз кун борди. Ҳали тўйхонага киришга улгурмай, Абдуҳафизга рўпарча бўлди. — Телефонингизни бериб ту-

ринг, гаплашиб олай, — деди у Зухриддинга.

У уяли телефони бераётиб, «минутига ёзади, кўп гаплашманг» дегандай гап қилди.

— Тўлаб қўяман пулини, — Абдуҳафизнинг жаҳли чикди. Гаплашиб бўлгач эса, бировнинг те-

нинг Жамшид ва Рустам деган ўртоқлари унинг кайфиятини кўриб, нима гап деб сўрашди. «Телефонимни олиб бермапти», — деди Зухриддин. Шу пайт ортга қайтган Абдуҳафиз: «Эй, ўртоқларинг билан ҳам гаплашиб қўявераман бир чеккада, — деди.

ганларида, машина калитига чанг солди.

Зухриддин машинадан тушгач, уни қувди. У машинанинг орқа қапотини очиб, чопқини қўйнига солди. Стадион томон қочганида Абдуҳафиз қувиб келаверди. «Тўхта, қайт оқангга!», — деди

«Абдуҳафиз болалар билан кўпроқ жанжаллашарди, — дейди гувоҳлардан бири М.Мелибоев. — Жанжални ўзи бошларди. Уришяётганда қутилмаганда биринчи бўлиб мушт соларди».

«Абдуҳафиз уйимиз олдидаги компьютер хонасига келиб турарди, — дейди гувоҳ Х.Дадаҳужаева. — Кўчадан ўтган одамларга бўлар-бўлмас гап отиб жаҳлини чиқарарди. Одамларга тинчлик бермасди. Кўчада бировларни пичоқ билан қувлаганини эшитганман».

Жиноят ишидаги ҳолатлар А.Умаров З.Тошпўлатовнинг уяли телефони тортиб олиб, атайлаб жанжал чиқарганини кўрсатади. Бироқ унинг тажовузкорлиги ўзини ҳимоя қилиш учун чопқи билан қуролланиб олган қотилнинг қилимишини оқламайди. З.Тошпўлатов ўзини қўлга олиб, ҳуқуқ-тартибот идорасига мурожаат қилиши, шу орқали безорини жазолаши мумкин эди. Қилимишдан пушаймонлиги, ўз ихтиёри билан айбига ижор бўлганини эътиборга олиб, суд З.Тошпўлатовни ўн йилга озодликдан маҳрум этди. Хулоса қилиб айтмоқчимизки, муштмўзрулик билан бошқаларни ўз измига буйсундиришга уринганлар охири-оқибат фалокатга йўлқайди.

Б.ИСМОИЛОВ,
Қўқон шаҳар прокуратураси
катта терговчиси



Муштум зўрнинг халокати

— Мардикор бозорига ҳайда». Бозор олдида машина тўхтагач, Абдуҳафиз Зухриддиннинг

жон ҳолатда Зухриддин. Қайтмай ташланганида чопқи билан бўйнига солди...

Зухриддин ярим кечаси уйига қайтиб келди. Хавотирланган ота-онасига: «Абдуҳафизни ўлдариб қўйдим», — деди. Сўнг ўз оёғи билан шаҳар ИИБга кириб борди...

Гувоҳларнинг таъкидлашича, Зухриддин қассоблик билан бирга аксининг «Жигулис»-да киракашлик қилиб, рўзгор тебратган. Шу пайтгача бирор киши билан сан-манга бормаган. «Ўзимни ҳимоя қилиш учун чопиб ташладим», — деди у тергов ва суддаги кўрсатмасида.

нинг юзига икки мушт урди. Зухриддин унинг қўлидаги пичоққа кўзи тушиб, қочган эди, ортидан қувди. Жамшид билан Рустам Абдуҳафизга етиб олиб, қўлидан ушлаб машинага ўтқазиди, ҳайдовчи қайтиб келиб, рулга ўтирди. Учаласини тўйхонага олиб бориб, ўзи киракашлик қилгани жўнаб кетди. Тунги соат 11 ларда тўй бўлаётган кўча анидаги дўкондан қанд олмоқчи бўлиб турганида яна Абдуҳафиз пайдо бўлди. Дўкон эгаси Шуҳрат ака «Телефонини қайтариб бер» деганида «Бўпти» деб қўнди. Шуҳрат акани уйига элтиб қўйганларидан кейин муштлашини тақлиф қилди. Кимёгарлар стадиони ёнида тўхта-

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси жамоаси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи Э.Пўлатовга отаси **ҲАКИМ ОТА ПЎЛАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси жамоаси Янгиёул туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК бўлими бошлиғи М.Қосимовга онаси **МУКАРРАМ ҚОСИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирлади.

